

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ МЕРОС ВА ШАРТНОМА БҮЙИЧА
БОШҚАЛАРГА ЎТИШИ ТАРТИБИ**

Гулнора Худайбердиева

Тошкент давлат юридик университети

Ихтисослаштирилган филиали доценти, юридик фанлар номзоди

E-mail: gxudoberdiyeva@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари тизими, уларга тегишли ҳуқуқларни учинчи шахсларга мерос ёки шартнома орқали ўтказиш тартиби, мулкий ҳуқуқларни бошқариш хусусиятлари, ушбу соҳадаги хорижий тажриба баён қилинган.

Калит сўзлар: муаллифлик ҳуқуқи, ҳимоя муддати, мутлақ ҳуқуқлар, меросхўрлар, ҳуқуқ эгалари, ҳақ миқдори, шартнома, фуқаролик битими.

**ПОРЯДОК ПЕРЕХОДА АВТОРСКИХ ПРАВ ПО НАСЛЕДСТВУ И ДОГОВОРУ
К ДРУГИМ ЛИЦАМ**

Гулнора Худайбердиева

Доцент Специализированного филиала

Ташкентского государственного юридического
университета, кандидат юридических наук

E-mail: gxudoberdiyeva@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается система личных прав авторов, порядок перехода их прав к третьим лицам в порядке наследования или договора, особенности управления имущественными правами, зарубежный опыт в этой области.

Ключевые слова: авторское право, срок охраны, исключительные права, наследники, правообладатели, размер вознаграждения, договор, гражданско-правовое соглашение.

**PROCEDURE FOR TRANSFER OF COPYRIGHT BY HERITAGE AND
AGREEMENT TO OTHER PERSONS**

Gulnora Khudaiberdieva

A

Tashkent State Law University, Faculty of legal sciences

E-mail: gulnoraxudayberdireva@mail.ru

ANNOTATION

The article discusses the system of personal rights of authors, the procedure for the transfer of their rights to third parties in the order of inheritance or contract, the management of property rights, foreign experience in this area.

Keywords: copyright, term of protection, exclusive rights, heirs, copyright holders, amount of remuneration, contract, civil law agreement.

Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ти қонуннинг 35-моддасида Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин етмиш йил давомида амал қиласи. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи эса ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин етмиш йил давомида амал қиласи.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласи. Агар, кўрсатилган муддат ичida тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қиласа ёки бундан буён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар қўлланилади.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин етмиш йил давомида амал қиласи¹. Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш каби шахсий номулкий ҳуқуқлари эса муддатсиз муҳофаза қилинади.

Асарга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати ушбу моддага биноан белгиланади. Лекин, бу муддат асар келиб чиқсан мамлакатда белгиланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

¹ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон)

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуqlари мерос бўйича ўтмайди. Муаллифнинг меросхўрлари кўрсатилган ҳуқуqlарни ҳимоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу ҳуқуqlари муддат билан чекланмайди.

Амалдаги қонунларга асосан муаллифлик ҳуқуqlари муаллифлик шартномаси ва ҳуқукий ворислик тартибида учинчи шахсларга ўтади. Муаллиф ҳуқуqlари қонун бўйича, васият бўйича, мерос тариқасида ворислар томонидан қабул қилиниб олиниши мумкин. Аммо, ўзининг таркиби жиҳатидан мураккаб бўлган муаллифнинг барча ҳуқуqlари ҳам мерос тариқасида ворисларга ўтиши ёки ўтмаслиги тўғрисидаги масалада ҳуқукий адабиётларда кенг мунозаралар билдирилган. Бу масалада ривожланган давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланиш самара бериши мумкин.

Агарда, миллий қонунчиликда у-ёки бу норма, қоида белгиланмаган бўлса, халқаро ҳуқуқ нормалари тўғридан-тўғри қўлланади. Интеллектуал мулк ҳуқуки соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали миллий қонунчилик ва халқаро шартнома қоидалари бир хиллашади ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқукий муносабатларида коллизион (тўқнаш) масалалар ўз ечимини топади.²

Қонуний меросхўр нафақат моддий бойликларни: уй-жой, транспорт, заргарлик буюмлари, молия ва бошқа қимматбаҳо мулкни олиши мумкин. У интеллектуал мулкнинг эгаси, унинг қонуний эгаси бўлиши мумкин. Интеллектуал ҳуқуqlарни мерос қилиб олиш тартиби тугагандан сўнг, шахс ўз хоҳишига кўра мерос обьекти билан ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши мумкин. Масалан, китобни қайта нашр қилиш, унга бўлган ҳуқукини бошқа нашриётга сотиш, қўшимча нусхалар чиқариш, жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш.

Одатда ворислар муаллиф билан расман қариндош бўлган одамлардир. Аммо, шундай бўладики, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуqlарни мерос қилиб олиш натижасида бегона шахслар ёки ташкилотлар, масалан, музейлар ёки нашриётлар мулкдорларга айланади. Умумий қоидага кўра, васиятнома қонун бўйича меросдан устун туради, чунки у бевосита марҳумнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Қонунга кўра, вафот этган муаллифнинг қариндошлари интеллектуал мулк обьектига бўлган ҳуқуqlарни мерос қилиб олишлари мумкин.

Ҳар қандай бошқа нарсаларнинг мероси сингари, биринчи навбатда марҳумнинг фарзандлари, турмуш ўртоғи ва ота-онаси меросхўрликка чақирилади. Булар биринчи навбатдаги меросхўрлардир. Агар, бундай шахслар бўлмаса ёки уларнинг ҳеч бири

²Тошев Б. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификация қилишнинг назарий ҳамда амалий масалалари. Интеллектуал мулк ҳуқуки қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари мавзусида ўтказилган Республика илмий амалий конференцияси материаллари. -Т.: ЮМОМ. 2021.-Б.20

меросни қабул қилмаса, иккинчи босқич иштирокчилари - марҳумнинг тўлиқ ака-
укалари, опа-сингиллари, боболари ва бувилари меросга чақирилади.

Агар, интеллектуал фаолият натижаси муаллиф илгари муаллифлик хуқуқи билан ҳар
қандай битимлар тузган бўлса, масалан, уларни учинчи шахсга сотган бўлса, у ҳолда
муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқларни мерос қилиб олиш тартиби амалга
оширилмайди, чунки ҳеч ким тегишли бўлмаган нарсани мерос қилиб ололмайди.

Муаллиф ёки ижрочининг бирорта ҳам меросхўри бўлмаса, бу хуқуқ муаллифлар ва
ижрочилар мулкий хуқуқларини жамоа асосида бошқарувчи ташкилотлар ёхуд
ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Бугунги кунда дунёда
муаллифлар ва ижрочилар мулкий хуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган 200 дан
ортиқ ташкилот мавжуд³. Дунёда муаллифлар ва бошқа субъект эгаларининг тегишли
хуқуқларини бошқариш мақсадида кўплаб ташкилотлар тузилган. Англияда Оммавий
ижрочиликда хуқуқларни бошқариш жамияти, Австрия Ижрочилар хуқуқларини жамоа
бўлиб бошқарувчи жамият, Буюк Британия муаллифлик хуқуқидан фойдаланишга
лицензия бериш Агентлиги, Австрия ижрочилар жамияти, Австрия эфир орқали узатиш
бўйича жамоа бўлиб бошқарувчи ташкилот, Австрия аудиовизуал соҳада хақ йиғиши
бўйича жамият, Нидерландия кабел орқали аудиовизуал асарларни фойдаланиш
хуқуқини ўтказувчи жамият, Германия Ижрочилар хуқуқларини жамоа бўлиб
бошқарувчи жамият, Швеция актёрлар ва мусиқачилар иттифоқи ва бошқалар.

Муаллиф ёки бошқа хуқуқ эгаси мулкий хуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи
ташкилотга шартнома бўйича ўз мулкий хуқуқларини амалга ошириш учун ваколатлар
беришга ҳақлидир, ташкилот эса, агар бундай хуқуқларни бошқариш шу ташкилотнинг
уставида кўрсатилган фаолиятига тааллуқли бўлса, бу хуқуқларни жамоавий асосда
амалга оширишни ўз зиммасига олиши шарт. Муаллиф ёки бошқа хуқуқ эгаси ўз
мулкий хуқуқлари ёки хуқуқини амалга ошириш ваколатларини тегишли тоифадаги
хуқуқ эгаларининг мулкий хуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи фақат битта
ташкилотга беришга ҳақлидир.

Ҳақ миқдори ва фойдаланувчилар билан асарлардан ва турдош хуқуқлар объектларидан
фойдаланиш учун шартнома тузиш шартлари, йиғилган ҳақни тақсимлаш ва тўлаш
усули ҳамда мулкий хуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот фаолиятининг
бошқа муҳим масалалари хусусидаги қарорларни қабул қилиш фақат муаллифлар ёки
бошқа хуқуқ эгалари томонидан умумий йиғилишда коллегиал тарзда амалга
оширилади.

Мулкий хуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот хуқуқ эгаларидан олинган
ваколатлар асосида фойдаланувчилар билан асарлардан ва турдош хуқуқлар

³ Фичор М. Коллективное управление авторским правом и смежными правами. – Женева.: ВОИС, 1990. – С.103– 105.

объектларидан фойдаланиш учун шартномалар тузади. Шартномаларнинг шартлари фойдаланиладиган асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг тури ва ҳажмига қараб аниқланадиган битта тоифадаги барча фойдаланувчилар учун бир хил бўлиши керак. Мазкур ташкилотлар фойдаланувчилар билан шартномалар тузишни етарлича асосларсиз рад этишга ҳақли эмас. Бундай шартномалар уларда назарда тутилган усууллар билан барча асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишга рухсат беради ҳамда барча ҳуқуқ эгаларининг, шу жумладан ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ ташкилотга ваколатларини бермаган ҳуқуқ эгаларининг номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилади.

Ҳуқуқ эгаларининг фойдаланувчиларга нисбатан бундай шартномалар асосида уларнинг асарларидан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча эҳтимол тутилган мулкий эътиrozлари шартномалар тузган мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан тартибга солиниши керак.

Асарлардан муаллифлик шартномаси асоси орқали фойдаланишда муаллиф ва фойдаланувчи билан бирга жамиятнинг қолган аъзолари ҳам манфаатдор бўлиши мумкин. Сабаби, бу жараён жамиятнинг ижодий активлигини ва бу орқали уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишга муҳим туртки бўлади⁴.

Фойдаланувчилар мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларга асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ҳақни йиғиши, тақсимлаш ва тўлаш учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Маълумотлар ва ҳужжатларнинг рўйхати мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фойдаланувчилар билан тузадиган шартномаларда белгиланади.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш маҳсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади⁵. Маҳсус ваколатли давлат органи мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотдан унинг фаолияти ўз уставига ва қонунчиликка мувофиқлигини текшириш учун зарур бўлган қўшимча ахборот талаб қилиб олишга ҳақлидир⁶.

Юқоридагиларга кўра қуидагича хulosса қилиш мумкин. Муаллифлар мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши

⁴ Юлдашов А. Муаллифлик ҳуқуқини амалга оширишда шартномавий-ҳуқукий базани такомиллаштириш ва унинг иқтисодиётдаги ўрни. Интеллектуал мулк ҳуқуки қонунчиликгини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари мавзусида ўтказилган Республика илмий амалий конференцияси материаллари. -Т.: ЮМОМ, 2021.-Б.24

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли [Конуни таҳририда-Қонунчилик маълумотлари](#) миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

мумкин. Мулкий ҳуқуқлар ҳам миллий қонунчилик орқали, ҳам халқаро нормалар орқали муҳофазага олинади, бу ҳуқуқлар давлатларо халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг обьекти ҳисобланади.

Россиялик мутахассисларнинг фикрига кўра ҳам, муаллифлик ҳуқуқида ҳимоянинг муҳим шакли сифатида энг кўп ва кенг тарқалгани бу шартномалардир⁷. Муаллифлик шартномалари фуқаролик битимлари ва шартномаларидан тубдан фарқ қиласди, у фақат муаллифлик ҳуқуқининг обьектларидан фойдаланиш ёки шу обьектларни (асарларни) яратиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Шунга кўра айтиш лозимки, муаллифлик шартномалари фуқаролик ҳуқуқий шартномаларининг бир тури ҳисобланади.

Муаллиф ёки унинг меросхўри муаллифлик шартномаси тузиш орқали ўз асаридан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Муаллифлик шартномаси учун ҳақ тўлаш талаб қилинади⁸.

Хулоса қилиб айтадагина бўлсак, амалдаги қонунларга асосан муаллифлик ҳуқуқи, аникроғи унинг мулкий ҳуқуқлари мерос тартибида ва муаллифлик шартномаси асосида бошқаларга ўтади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни 36 ва 38-моддаларида ушбу тартиблар белгилаб берилган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари бошқа шахсларга ўтказилмайди. Бу ҳолатда шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифнинг ўзида қолади. Ушбу қоида «Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн конвенсијасининг 6-бис-моддасига мос тушади⁹. Мазкур конвенция ва миллий қонунчилик нормаларига кўра ҳам муаллиф ўз мулкий ҳуқуқларидан қатъий назар, хусусан мулкий ҳуқуқларнинг бошқа шахсларга ўтказилганидан сўнг ҳам ўз асарига нисбатан муаллифликни талаб қилиш ҳамда асарни муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарап етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи мавжуд¹⁰. Ушбу тартиб мерос бўйича ҳуқуқларни ўтишида ҳам қўлланилади. Бунда муаллифнинг меросхўрлари шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳақли бўлиб, ушбу ҳуқуқлар муддати чекланмаган.

⁷ Сутулов Д.М. Авторское право. Издательские договоры. Авторский гонорар. Москва, «Юридическая литература», 1974, -С.36

⁸ Электрон нашрларга оид муаллифлик ҳуқуқлари. (маълумот–услубий материаллар тўплами). –Т.: 2013. Маъсул мухаррир, т.ф.д., проф. М.А.Рахматуллаев. –Б.54.

⁹ https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/berne/trt_berne_001ru.pdf

¹⁰Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда.

Иқтибослар/Сноски/References:

- 1.Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон).
- 2.Тошев Б. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификатсия қилишнинг назарий ҳамда амалий масалалари. Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари мавзусида ўтказилган Республика илмий амалий конференцияси материаллари. -Т.: ЮМОМ. 2021.
- 3.Фичор М. Коллективное управление авторским правом и смежными правами. – Женева.: ВОИС, 1990.
- 4.Юлдашов А. Муаллифлик ҳуқуқини амалга оширишда шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва унинг иқтисодиётдаги ўрни. Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари мавзусида ўтказилган Республика илмий амалий конференцияси материаллари. -Т.: ЮМОМ, 2021.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда.
- 6.Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон).
- 7.Сутулов Д.М. Авторское право. Издательские договоры. Авторский гонорар. Москва, «Юридическая литература», 1974.
- 8.https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/berne/trt_berne_001ru.pdf.
- 9.Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда.
- 10.Abdullaeva D. Some issues of the procedure on making a labour contract and hiring to work //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 9. – С. 1065-1070.
- 11.Абдуллаева Д. Mehnat shartnomasini bekor qilishda mediatsiya instituti: milliy va xorijiy tajriba //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 6/S. – С. 113-118.
- 12.Abdullaeva D. PROBLEMATIC ASPECTS OF WORKING TIME IN FOREIGN COUNTRIES //Academic research in modern science. – 2022. – Т. 1. – №. 10. – С. 150-154.
- 13.Makhmudjon Djurakulovich Ziyadullaev. (2021). Development Of The Legislative System Of Non-State Pension Provision In The Republic Of Uzbekistan . The American Journal of Political Science Law and Criminology, 3(03), 49–54.
<https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume03Issue03-08>

14.Djurakulovich, Ziyadullaev Makhmudjon. "Recognition in international documents of the right to social security as one of the most important human rights." Asian Journal of Multidimensional Research 10.10 (2021): 1372-1375.

15.Djurakulovich Ziyadullaev Makhmudjon. (2022). THE ROLE OF SOCIAL PROTECTION IN THE NEW DEVELOPMENT STRATEGY OF UZBEKISTAN. World Bulletin of Management and Law, 9, 63-65. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbml/article/view/818>.